

Husniddin AKHMEDOV,
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF
UZBEKISTAN

Deputy Director of the Center of Advanced training
Doctor of political sciences
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan.

ТАЪЛИМ ВА МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ

ОБРАЗОВАНИЕ И ДУХОВНОЕ ВОСПИТАНИЕ

EDUCATION AND SPIRITUAL EDUCATION

Таянч иборалар: *Жамият, маънавий ислохотлар, баркамол авлод, таълим, тарбия, тараққиёт, ёшлар, даҳлдорлик ҳисси, маънавий салоҳият, ижтимоий онг ва тафаккур.*

Ключевые слова: *Общество, духовные реформы, всесторонне развитое поколение, образование, воспитание, прогресс, молодёжь, чувство причастности, общественный потенциал и мышление.*

Keywords: *Society, spiritual reform, comprehensively advanced generation, education, progress, youth, sense of belonging, social capital and thinking.*

Жамиятда маънавий ислохотларни амалга оширишда таълим-тарбия соҳасидаги ўзгаришлар ўта муҳим роль ўйнайди. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Бу йўлда соғлом ва баркамол авлодни асосий бунёдкор куч деб билди. Соғлом ва баркамол авлодни эса замонавий тараққиёт ютуқларига асосланган таълим-тарбия тизимсиз, юксак маънавий кадриятларсиз вояга етказиб бўлмайди.

Шунинг учун мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлаб таълим-тарбия соҳасидаги туб ислохотлар жамиятдаги маънавий-маърифий янгиланиш жараёнлари туб ислохотлар жамиятдаги маънавий-маърифий янгиланиш жараёнлари билан уйғун равишда олиб борилди. 1992 йилда “Таълим тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Лекин вақт ўтиши билан жамиятнинг ижтимоий-маънавий ҳаётидаги ўзгаришлар таълим-тарбия соҳасида янада туб ўзгаришларни амалга ошириш заруриятини юзага чиқара бошлади. Шу боисдан, 1997 йил Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва янги таҳрирдаги “Таълим тўғрисида”ги қонун қабул қилинди.

Маълумки, халқнинг келажак ҳақидаги тасаввурлари, ўй-фикрлари ёш авлоднинг қандай билим ва тарбия олиб, келгусида қандай инсон-

лар бўлиб етиши билан боғлиқ ҳолда шаклланади. Яъни, униб-ўсиб келаётган ўғил-қизлар истиқболда қандай инсонлар бўлиб етишса, жамият ҳаёти, унинг ижтимоий, маънавий-маърифий савияси ҳам шундай бўлади. Ҳақиқатан ҳам, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида бошланган таълим-тарбия соҳасидаги ислохотлар халқимизнинг маънавий-маърифий ҳаётини мутлақо ўзгартириб юборди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2016 йил 19 октябрда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Ислом ҳамкорлик ташкилоти давлатлари ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессиясида сўзлаган нутқида қуйидагиларни алоҳида таъкидлаган эди: “Бугунги кунда 10 мингга яқин тубдан реконструкция қилинган ва янгитдан қурилган мактаблар ҳамда 1,5 мингдан зиёд академик лицей ва касб-хунар коллежлари, 300 та болалар муҳити ва санъат мактаблари, 2200 та болалар спортиншоотлари фарзандларимизга хизмат қилмоқда. Умумий ўрта таълим ва махсус мактабларда 5 миллион нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. Шунингдек, мамлакатимизда 10 та диний таълим муассасаси, яъни Тошкент ислом институти ва 9 та ўрта махсус ислом билим юрти, жумладан 2 та хотин-қизлар билим юрти фаолият кўрсатиб келмоқда. Ушбу билим юртлари орасида Бухоро шаҳридаги Мир Араб ҳамда Тошкент шаҳридаги Қўқалдош мадрасалари ўн олтинчи асрдан буён Шарқу Ғарбга илм нуруни таратишдек эзгу мақсад йўлида хизмат қилмоқда (Mirziyoyev Sh., 2019: 30-32).

1999 йил 7 апрелда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Тошкент ислом университетининг ташкил этилиши юртимиз тарихида зарҳал ҳарфлар билан муҳрланиб қолди. Истиқлол неъматини бўлган мазкур таълим маскани ёшларга диний ва дунёвий фанларни уйғунликда, ажодларимиз меросининг фалсафий, маънавий илдизларига таянган ҳолда ўргатиш учун барча қулайликларга эга бўлган Марказий Осиёдаги ягона таълим муассасаси ҳисобланади. Президент Шавкат Мирзиёевнинг бевосита саъй-ҳаракатлари ҳамда мамлакатимизда диний-маърифий соҳадаги олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар самараси ўлароқ, бугунги кунда мазкур олий таълим муассасаси мазмунан бойитилиб сифат жиҳатдан тубдан ўзгармоқда. Хусусан, 2018 йил 16 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5416 сон фармони асосида Ўзбекистон халқаро ислом академияси этиб қайта ташкил этилгани фикримизнинг яққол исботидир.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ташкил этилган Ислом цивилизацияси маркази, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Мир Араб олий мадрасаси, Имом Бухорий ва Имом Термизий

Мақолада мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишнинг муҳим шартлари ва гарови сифатида таълим тарбия тизимини замонавий талаблар асосида ислоҳ этилаётгани, ўз навбатида таълим-тарбия соҳасидаги ижобий ўзгаришлар жамиятнинг ижтимоий кайфияти, онги тафаккурига ижобий таъсир кўрсатаётгани, унинг маънавий ҳаётида туб сифат ўзгаришлар юз бераётгани таъкидланади. Маълумки, халқнинг келажак ҳақидаги тасаввурлари, ўй-фикрлари ёш авлоднинг қандай билим ва тарбия олиб, келгусида қандай инсонлар бўлиб етиши билан боғлиқ ҳолда шаклланади. Шу ўринда сўнгги йилларда мамлакатимизда ташкил этилган Ислом цивилизацияси маркази, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Мир Араб олий мадрасаси, Имом Бухорий ва Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ҳадис илми мактабининг ташкил этилиши бой илмий-тарихий меросимизни ўрганиш ва тарғиб қилишга хизмат қилиши ҳақида фикр баён қилинган. Мавжуд имкониятлардан баҳраманд бўлиб вояга етаётган Ўзбекистон ёшларининг ўқишда, жамоат жойларида ўзини тутиши, кийиниши, муомала маданияти, изланиш ва қизиқиш доираси, замонавий фикрлаши, ҳаёт талабларини тўғри тушуниши, келажакда жамиятда ўз ўрнини топишга, кўп қиррали фаолият юритишга интилиши, ён-атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга зийрак назар, дахлдорлик ҳисси билан баҳо бера олиши, профессионал билим даражаси, маънавий салоҳияти билан алоҳида ажралиб жамиятимиз маънавий қиёфасини белгилайдиган кучга айланиб бораётгани алоҳида қайд этилган.

В данной статье рассмотрены вопросы актуальности реформирования системы образования и воспитания как важного условия и надежной гарантии формирования всесторонне развитого молодого поколения в Узбекистане в годы независимости. Также рассмотрены факторы, происходящие в обществе, положительные перемены, влияющие на сознание, мышление людей, на возникновение кардинальных перемен в духовной жизни.

Хорошо известно, что и представления людей о будущем формируются знаниями и образованием молодого поколения и тем, какими людьми они станут в будущем. Создание Центра исламской цивилизации, Международной исламской академии Узбекистана, Высшего медресе «Мир Араб», Международных исследовательских центров имама Бухари и Имама Термези, а также Школы хадисов, открытые в нашей стране в последние годы, будет способствовать изучению и популяризации нашего богатого научного и исторического наследия.

Использование возможностей, доступных молодым людям в Узбекистане, обучение, внешний вид общественных места, культура общения, исследования и интересы, современное мышление, правильное понимание жизненных потребностей, стремление к будущей самореализации, многогранные действия в обществе, способность смотреть на события с чувством принадлежности, стать силой, которая определяет духовный образ нашего общества, его уровень профессиональных знаний и духовного потенциала, специально упомянуты в работе.

This article discusses the relevance of reforming the system of education as an important precondition and reliable guarantee of formation of comprehensively developed generation in Uzbekistan in the years of independence. Also considered the factors influencing to the positive changes taking place in society, consciousness, critical thinking of people, the drastic change in the quality of spiritual life.

It is well-known that people's perceptions and ideas about the future are shaped by the knowledge and education of the younger generation and what kind of people they will become in the future. The article gives information about the establishment of the Islamic Civilization Center, the International Islamic Academy of Uzbekistan, the Mir Arab High Madrassah, the Imam Bukhari and Imam Termezi International Research Centers, and the Hadith School established in our country in recent years will contribute to the study and promotion of our rich scientific and historical heritage.

It was also specifically of the opportunities available to young people in Uzbekistan, studying, dressing in public places, culture of communication, research and interest, modern thinking, proper understanding of life needs, aspirations for future self-realization, multifaceted activities in the community, the ability to look at events with a sense of belonging, to become a force that defines the spiritual image of our society, with its level of professional knowledge and spiritual potential.

халқаро илмий-тадқиқот марказлари бой илмий-тарихий меросимизни ўрганиш ва тарғиб қилишга хизмат қилмоқда.

Умуман олганда, ўтган давр мобайнида мамлакатимиздаги олий ўқув юртлари сони 2,5 баробарга кўпайди ва ҳозирги кунда 113 та олий таълим муассасаси мавжуд бўлиб, уларда 344 мингдан зиёд талаба таҳсил олмоқда.

Ўзбекистонда Европа ва Осиёдаги етакчи олий ўқув юртларининг филиаллари, жумладан, Буюк Британиянинг Вестминстер университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Италиянинг Турин политехника университети, Жанубий Кореянинг Инха ахборот технологиялари

университети, Россия нефть ва газ университети, Москва давлат университети, Россия иқтисодиёт университетининг филиали ва шу каби кўплаб хорижийнинг нуфузли олий таълим муассасаларининг филиаллари муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Шу била бирга, иқтидорли ёшларимизнинг минглаб вакиллари дунёнинг етакчи университетларида таълим олмоқда.

Ўзбекистонда давлат бюджетининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан 7 фоизини таълим-тарбия соҳасига йўналтирилмоқда (*Mirziyoyev Sh., 2019: 32*). Айни пайтда халқаро тажрибада бу кўрсаткич 3-5 фоиздан ошмаслигини эслатиб ўтишни жоиз деб биламан.

Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш бўйича мамлакатимизда шакллаган ўзига хос модель, шу йўналишда амалга оширилаётган кенг қўлмали ишлар давомли ва изчил хараактерга эга бўлиб, у жамиятнинг нафақат қиёфаси, балки мазмун-моҳиятини ҳам бутунлай ўзгартириб, уни халқимиз орзу қилган янги сифат даражасига кўтаришнинг энг самарали йўлига айланиб бормокда. Сўнгги ўн йилда болалар ва ўсмирлар ўртасида спорт билан мунтазам шуғулланиш даражаси 30 фоиздан 57 фоизга, қизлар ўртасида 24 фоиздан 47 фоизга етган (Mirziyoyev Sh., 2019: 145-146).

Мавжуд имкониятлардан баҳраманд бўлиб вояга етаётган Ўзбекистон ёшларининг ўқишда, жамоат жойларида ўзини тутиши, кийиниши, муомала маданияти, изланиш ва қизиқиш доираси, замонавий фикрлаши, ҳаёт талабларини тўғри тушуниши, келажакда жамиятда ўз ўрнини топишга, кўп қиррали фаолият юритишга интилиши, ён-атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга зийрак назар, дахлдорлик ҳисси билан баҳо бера олиши, профессионал билим даражаси, маънавий салоҳияти билан алоҳида ажралиб жамиятимиз қиёфасини белгилайдиган кучга айланиб бораётгани ҳақида юртимиз тадқиқотчилари ҳам, хорижий экспертлар ҳам атрофлича фикр билдиришган. Айниқса, бугунги ёшларда ўзлигини англашга, бошқалардан кам бўлмасдан, бутун билим ва куч-ғайрати, азмуши жоатини намоён этишга интилиш, миллий ғурур-ифтихор туйғуси кучли экани улар томонидан алоҳида таъкидланади. Масалан, М.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг ректори В.Садовничий бундай фикрларни билдиради: “Мен сизнинг мамлакатингиздаги мактабларда бир неча бор бўлганман. Ҳар сафар болаларнинг ёниб турган кўзларини кўрганман-бу Ўзбекистон раҳбариятининг таълим соҳасидаги сиёсатининг энг яхши натижасидир (*Yuksak bilimli va intellektual rivojlangan avlodni tarbiyalash...*, 2012: 36).

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 февралдаги “Мактабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида республикамизнинг ҳар бир туманида биттадан, жами 211 та “Баркамол авлод” болалар маркази фаолияти йўлга қўйилди. Ўқувчиларнинг мактабдан ташқари бўш вақтини фойдаланиш ва мазмунли ўтказиш мақсадида ташкил этилган мазкур марказларда техник, бадиий ижод, ўлкашунослик ва экология йўналишларида тўғараклар фаолияти йўлга қўйилди. Уларда 114 минг нафардан зиёд ўқувчи дарсдан сўнг мазкур тўғаракларга қатнамоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари асосида болалар мусиқа ва санъат мактабларини ривожлантириш бўйича 2009–2014 ва

2016–2020 йилларга мўлжалланган давлат дастурлари қабул қилинди. Шунга мувофиқ, 2009–2015 йиллар давомида мамлакатимизда 283 та болалар мусиқа санъат мактаби куриб битказилиб, фойдаланишга топширилди, улар замонавий мусиқа асбоблари, замонавий мебель ва ускуналар билан жиҳозланди. Бугунги кунда ана шу мактабларда 61 минг нафарга яқин ўқувчига 10 мингдан ортиқ ўқитувчи мусиқа ва санъат сирларидан сабоқ бермоқда. Табиийки, буларнинг барчаси ёшларда сифат жиҳатдан мутлақо янги фаоллиги кучайишида ўзининг амалий самарасини бермоқда.

“Ижтимоий фикр” жамоатчилик маркази томонидан 2016 йилнинг 28 январидан 8 февралгача “Ўзбекистон ёшлари: ҳаётий қадриятлар, маънавият, истиқбол режалари” мавзусида ўтказилган социологик сўров ва тадқиқот натижалари ҳам бу фикрни исботлайди. Хусусан, мазкур сўров-тадқиқот натижалари бўйича тайёрланган ахборот-таҳлилий маърузада куйидагилар таъкидланади. Сўровда иштирок этганларнинг 63,2 фоизи ўз халқи тарихини албатта чуқур билиш керак, деган фикрни билдирган. Сўров иштирокчиларининг 62,3 фоизи ўз халқи тарихини албатта чуқур билиш керак, – деган фикрни билдирган, сўров иштирокчиларининг 62,3 фоизи инсон маънавиятини шакллантиришда ўз халқини чуқур билиш 46,5 фоизи ёшларда миллий ғурур ва ифтихор туйғусининг юксак даражада ривожлангани муҳим ўрин тутди, деган хулосани билдириб, ўзлари айнан шунга интилиб яшаётганларини маълум қилишган (http://ijtimoiy-fikr.uz/uz/tadqiqotlar/tadqiqotlar_2917).

Мазкур тадқиқотда яна бир муҳим масала – ёшларнинг ватанпарварлик ҳақидаги фикрларини билишга алоҳида эътибор қаратилган. Унга кўра, сўровда иштирок этганларнинг 54 фоизи “Мен – ватанпарварман”, 29,9 фоизи “Мен – ҳақиқий ватанпарварман” деган фикрни билдирган. Иштирокчиларнинг бир қисми – 13,1 фоизи эса ўзида ватанпарварлик туйғуси энди шаклланаётганини таъкидлаган. Сўров натижалари Ўзбекистонда ўзини ватанпарвар, – деб билмайдиган йигит-қиз деярли йўқлигини кўрсатган.

Маълумки, ватанпарварликнинг муҳим шартларидан бири она юртга ва халққа садоқатдир. Сўров қатнашчиларининг 46,8 фоизи Ватанга садоқатни ўз халқига меҳр-мухаббат, 38 фоизи ўз халқининг бахту саодатли келажаги учун курашиш, 14,6 фоизи эса ўз халқининг тарихи, маданияти ва анъналарини билиш ва ҳурмат қилиш сифатида тушунишини билдирган. Миллий ўзликни англаш тушунчасини эса 66,8 фоиз сўров қатнашчиси миллий урф-одат ва анъналар, 59,7 фоизи Ўзбекистоннинг миллий мустақиллиги, 58,8 фоизи миллий маънавий ўзига хослик, 47,2 фоизи халқнинг бой

ва сермазмум тарихи, 37,7 фоизи миллий тафаккур, 37,1 фоизи аждодларнинг буюк мероси, 35,7 фоизи она тили ва миллий маданиятга эҳтиром, 10,5 фоизи ислом динига мансублик билан боғлиқ тарзда тушунтирган (http://ijtimoiy-fikr.uz/uz/tadqiqotlar/tadqiqotlar_2917).

Мамалакатимизда дин – бу маънавий-ахлоқий ҳаёт манбаларидан бири, – деган қараш шаклланиган. Айни шу нуқтаи назардан қараганда, “Ижтимоий фикр” марказининг яна бир тадқиқоти – фуқароларнинг динга муносабати бўйича ўтказган ижтимоий сўрови натижалари эътиборга моликдир.

Маълумки, юртимизда одамлар мўътадил диний эътиқодга амал қилишади. Буни мазкур сўровда қатнашган респондентларнинг 92 фоиздан ортиғи эътироф этган. Қатнашчиларнинг бор-йўғи 6,5 фоизи ўзларини диндор, – деб ҳисоблашади ва кундалик ҳаётда диний тартиб-таомилларига фаол амал қилишади. Бундай кишилар 50 ёшдан ошган одамлар ўртасида кўпроқ кузатилади (*Bunyodkorlik g'oyalari va bag'rikenglik ifodasi.*, 2017).

Ҳар йили муқаддас ҳаж зиёратини амалга ошириш учун беш мингдан зиёд юртдошларимиз Макка шаҳрига сафар қилмоқда. 2017 йилда бу рақам етти мингдан ортади. Ҳаж зиёратига боришни ис-таётганлар сони эса кам эмас. Сўровда қатнашганларнинг 73,6 фоизи, чунончи, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари, уй бекалари, ўқувчи ва талабалар, деҳқонлар, фермерлар, ишсизлар ҳамда пенсионерлар муқаддас қадамжоларни зиёрат қилган. 2016 йилда модий аҳволи яхши бўлган респондентларнинг 81,3 фоизи, моддий имконияти чекланган шахсларнинг 20 фоизи юртимиздаги қадамжоларга боришган.

Аҳоли ўртасида Имом Бухорий мажмуаси, Баҳоуддин Нақшбанд мақбараси, Термиз ота мажмуаси сингари муқаддас қадамжолар оммалашиб бораётгани кузатилмоқда. Заркент ота, Занги ота, Исо Термизий, Султон Увайс бобо, Ҳазрати Довуд, Шоҳи Зинда ва бошқа қадамжоларга ҳам кўплаб зиёратчилар ташриф буюрмоқда.

Сўровда қатнашганларнинг аксарияти оила-ни инсоннинг дунёқараши ва ҳаётий позицияси, жумладан, диний тафаккури шаклланишига таъсир кўрсатадиган ижтимоий институт сифатида эътироф этган. Ислом дини талаблари оилавий муносабатларда маълум даражада ўз аксини топади. Тадқиқотда иштирок этганларнинг 90 фоиздан ортиғи жамиятда одамлар томонидан номақбул ҳатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олишда оилавий тарбия асосий ўрин тутиши алоҳида таъкидланган. Бу борада инсоннинг хулқ-атвори, фази-латлари, давлатнинг ҳуқуқий чоралари ҳам муҳим

роль ўйнайди. Айнан диний тарбия, иймон, гуноҳ иш қилишдан қўрқиш ҳам ножўя қилмишларнинг олдини олишда алоҳида аҳамиятга эгадир.

Сўровда қатнашганларнинг 67,3 фоизи 2016 йилда дунёвий турмуш мезонлари асосида яшаганини қайд этган. Айни пайтда диний тартиб-таомиллар фарзанд тарбияси, оила қуриш, эр-хотин ўртасидаги муносабатларга, ёшлар ва катта авлод ўртасидаги мулоқотларга сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Ҳар ўн респондентдан бири дин ҳақидаги билим, уларнинг ҳаётий позицияларини қарор топ-тиришда алоҳида ўрин тутишини таъкидлаган. Иштирокчилардан 43,4 фоизи оиласи, яъни ота-онаси, бува ва бувасидан дин ҳақидаги билимини бойитгани, 32,4 фоизи кўни-қўшнилари, дўсту ёрла-ри ёрдамида бу борада фикри, дунёқараши шакл-ланганини айтган.

Сўровда иштирок этганларнинг 70 фоизга яқини оилада тарбияни яхшилаш тарафдори бўлса, 55,5 фоиздан ортиғи таълим муассасаларида йи-гит-қизларимизни маънавий-ахлоқий ва ватанпар-варлик руҳида тарбиялаш, 38,2 фоизи фуқаролар-нинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, 38 фоизи эса аҳоли тур-муш даражасини юксалтириш кераклигини қайд этган. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари ролини ошириш, аҳоли, айниқса, касб-хунар кол-лежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш, фуқаролар ижтимоий фаоллигини юксалтириш за-рурлиги алоҳида кўрсатиб ўтилган (http://ijtimoiy-fikr.uz/uz/tadqiqotlar/tadqiqotlar_2917).

Бугунги кунда Ўзбекистонда вояга етиб келаётган ёш авлод нафақат замонавий билим ва касб-ху-нарлар, айни вақтда янгича қадриятлар эгаси бўлиб ҳам майдонга чиқмоқда. Бу қадриятлар аввало, навқирон йигит-қизларнинг она Ватанга меҳри ва садоқатида, миллий ва умумбашарий қадриятлар-ни яхши билиши ва уларни инсон камолатининг муҳим асоси деб қабул қилишида, ўзини бошқалар-дан ҳеч қачон кам деб билмаслигида, мутелик ва қарамлик туйғуси уларга мутлақо бегона эканида ва бошқа фазилатларда кўзга ташланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ёш авлод тарбиясини замон талаблари асосида янги босқичга кўтариш масаласига доимо устувор аҳамият қаратиб келмоқда. Давлатимиз раҳбари бу ҳақда қуйидагиларни таъкидлаган эди: “Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғиш-масдан, қатъият билан давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни энг устувор ва-зифамиз сифатида бугун замон талаб қилаётган юк-сак даражага кўтарамиз. Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошла-

рига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз (*Mirziyoyev Sh., 2019: 145-146*).

Ёшлар тарбияси уларнинг онгу тафаккури, дунёқарабини шакллантиришда таълим-тарбия тизими энг муҳим ва таъсирчан омил ҳисобланади. Бугун замоннинг ўзи барча соҳаларда бўлгани каби таълим-тарбия соҳасида ҳам чуқур оптималлаштириш жараёнларини амалга оширишни талаб этмоқда. Оптималлаштириш - Президент Шавкат Мирзиёев томонидан амалга оширилаётган ислохотларнинг муҳим устувор белгиси, хусусиятига айланмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2016 йил 29 декабрда имзоланган ПҚ-2707-сонли қарорини алоҳида таъкидлаш лозим. Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, болаларни мактаб таълимига тайёрлаш даражасини тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбиқ этиш, болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантиришга қаратилган мазкур қарор билан Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича 2017–2021 йилларга мўлжалланган дастур тасдиқланди. Унда қуйидагилар назарда тутилди:

- илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш шароитлари яратиш;

- мактабгача таълим сифатини ошириш, мактабгача таълим муассасаларида болаларни мактабга сифатли тайёрлашни тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган замонавий таълим дастурлари ва технологияларини жорий этиш;

- мактабгача таълим муассасаларида 5-6 ёшдаги болаларни мактаб таълимига тайёрлаш бўйича 6100 та қисқа муддатли гуруҳни ташкил этиш;

- замонавий педагогик технологиялар ва услубларни иноватга олган ҳолда мактабгача таълим муассасалари педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини оширишнинг ўқув режа ва дастурларини такомиллаштириш;

- 2200 та мактабгача таълим муассасасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шу жумладан, қишлоқ жойларда мактабгача таълим

муассасаларини янгидан қуриш, уларни замонавий талабларга жавоб берадиган инвентарь, жиҳоз, ўқув-методик қўлланмалар ва мультимедиа воситалар билан таъминлаш.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва унинг ажралмас қисми бўлган “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” давлат дастурида ана шу қарорнинг ижроси бўйича аниқ тадбирлар белгиланган. Жумладан, дастур доирасида мактабгача таълим муассасаларининг 106 тасини реконструкция қилиш ва 195 тасини капитал таъмирлаш, шунингдек, уларни мебель ва бошқа инвентарлар билан таъминлаш кўзда тутилмоқда. Бунинг натижасида 301 та болалар боғчасининг моддий-техник базаси яхшиланади. Инсоннинг шахс сифатидаги фазилатлари, унинг дунёқараши, ички олами айнан боғча ёшида шакллана бошлашини ҳисобга оладиган бўлсак, Ўзбекистон Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича 2017–2021 йилларга мўлжалланган дастурнинг қабул қилиниши ғоят муҳим аҳамиятга эгадир.

Маълумки, ёш авлоднинг вояга етиши, мустақил билим ва кўникмалари, касбий малака ва қобилиятининг шаклланиши, етук инсон бўлиб камол топишида унинг ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларидаги ўқиш даври алоҳида ўрин тутади. Шундан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимиз таълим тизимини такомиллаштириш, унинг фаолиятини оптималлаштириш жараёнида айнан шу бўғинда амалга оширилаётган ислохотлар беқиёс аҳамиятга эгадир.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳам мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришда муҳим амалий қадам бўлди. Қарорга мувофиқ моддий-техник ва ўқув-методик базаси замонавий талабларга жавоб бермайдиган 4 академик лицей фаолияти тугатилди. Шунингдек, олий таълим муассасаларида узокда жойлашган, таълим сифати ва битирувчиларнинг институт ва университетларга ўқишга кириш кўрсаткичлари паст бўлган 54 та академик лицей босқичма-босқич касб-хунар коллежларига айлантирилди. Яна бир муҳим янгилик шундан иборатки, академик лицейларда ўқув гуруҳлари 26 нафар ўқувчидан ортиқ бўлмаган тарзда шакллантирилди. Чуқурлаштириб ўқитиладиган фанлар бўйича амалий, лаборатория ва семинар машғулоти гуруҳларга бўлинган тарзда, яъни иккита кичик гуруҳда ўтказилмоқда. Академик лицейларда педагоглар таркиби олий маълумотли ва

камида 5 йиллик узлуксиз педагогик иш стажига эга бўлган малакали ўқитувчилар орасидан танлов асосида шакллантирилмоқда.

Бугунги кунда олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан келиб чиққан ҳолда кадрлар тайёрлаш мазмунини тубдан қайта кўриш, халқаро стандартлар даражасига мос олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратилмоқда. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидланганидек, 2019 йилда мутлақо янгича мазмун ва шаклдаги 4 та Президент мактаби, 3 та Ижод мактаби иш бошлади. Олий таълимни ривожлантириш учун ўтган йили 19 та янги олий ўқув юрти, жумладан, 9 та нуфузли хорижий университетнинг филиали очилди. Етакчи хорижий университетлар билан ҳамкорликда 141 та қўшма таълим дастури бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Олий таълим мусассаларига жами 146 минг 500 нафар ёки 2016 йилга нисбатан 2 баробар кўп талаба ўқишга қабул қилинди (*O'z.Res. Prezidenti Sh.Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi.*, 2020). Маълумки, ёшлар табиатан ўқишга, замонавий касб-хунарни эгаллашга чанқоқ бўлади. Кузатишлар шундан далolat берадики, таълим тизимида замонавий талаблар асосида амалга оширилаётган ўзгаришлар таълим соҳасининг жозибадорлигини янада оширади, ёшларнинг эзгу интилишларини янада кучайтиради. Уларда интилувчанлик, ташаббускорлик, ўзига нисбатан талабчанлик, ёшликнинг ҳар бир дақиқасини кадрлаш туйғуси ошади.

Ёшларнинг интилиш ва саъй-ҳаракатлари ҳам бевосита, ҳам билвосита рағбатлантирилиши уларни сифат жиҳатидан бутунлай янги бунёдкор кучга айлантиради. Бу эса ўз навбатида, жамиятда ҳам туб ижтимоий ўзгаришларга, одамларнинг ҳаёти, руҳияти ва кайфиятида чуқур бурилишларига олиб келади. Бугунги кунда Янги Ўзбекистон таълим тизимида оптималлаштириш ва самарадорлик нуқтаи назаридан амалга оширилаётган ислохотлар жуда муҳим аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таҳсинга лойиқдир.

Сўнгги йилларда янгиланаётган Ўзбекистон ёшларининг сиёсий-ижтимоий онги, маънавий ҳаётимизда юз бераётган муҳим ўзгаришлар кўплаб олим ва тадқиқотчиларнинг илмий ишлари, китоб ва монографияларида атрофлича таҳлил этилган бўлиб, уларда глобаллашув ва ёшлар, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштироки, уларни турли таҳдид ва хатарлардан асраш, “оммавий маданият”нинг салбий таъсири, ёшларнинг мафкуравий иммунитетини кучайтириш каби масалалар камраб олинган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкин, ҳозирги кунда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида жамиятимизда амалга оширилаётган ислохот жараёнларини кенг қўламли оптималлаштириш ва самарадорлигини ошириш борасидаги улкан ўзгаришлар негизда бу масалаларга янгича ёндашиш талаб этилмоқда. Бунда айниқса, ёшларнинг қалби ва онгида юз бераётган ўзгаришларни ижтимоий фанлар нуқтаи назардан таҳлил қилиш ва муҳим хулосалар чиқариш алоҳида касб этади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. (2020) “Xalq so'zi”.
2. Mirziyoyev Sh. (2016) “Erkin va faravon, demokrtik O'zbekiston davlatini mard va oliyjanob xalqimiz bilan birga quramiz” mavzusidagi O'zbekiston Respublikasi Prezidenti lavozimiga kirishish tantanali marosimiga bag'ishlangan Oliy majlis palatalarining qo'shma majlisidagi nutqi. Toshkent: O'zbekiston.
3. Mirziyoyev Sh. (2017) “Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta'minlash – yurt taraqqiyoti va xalq farovonligi garovi” mavzusidagi O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganining 24 yilligiga bag'ishlangan tantanali tantanali marosimdagi ma'ruzasi. Toshkent: O'zbekiston.
4. Mirziyoyev Sh. (2017) Tanqidiy tahlil, qat'iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik - har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo'lishi kerak. Toshkent: O'zbekiston.
5. Mirziyoyev Sh. (2017) Buyuk kelejagimizni mard va oliyjanob xalqimiz bilan birga quramiz. Toshkent: O'zbekiston.
6. Mirziyoyev Sh. (2019) Milliy taraqqiyot yo'limizni qat'iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko'taramiz. Toshkent: O'zbekiston.
7. Kadrlar tayyorlash milliy dasturi. (1997) O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Axborotnomasi.
8. O'zbekiston Respublikasining “Ta'lim to'g'risida”gi Qonuni. (1997) O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Axborotnomasi.
9. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining “2017-2021 yillarda ta'lim tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida”gi PQ-27-07-sonli qarori. (2016) “Xalq so'zi”.
10. Jo'rayev N. (1998) Agar ogoh sen...Portretga chizgilar. Siyosiy esse. Toshkent: O'qituvchi.
11. Qur'onov M. (2013) Bolam baxtli bo'lsin, desangiz...: ota-onalar uchun. Toshkent: Ma'naviyat.
12. Bunyodkorlik g'oyalari va bag'rikenglik ifodasi. (2017) “Xalq so'zi”.
13. “Yuksak bilimli va intellektual rivojlangan avlodni tarbiyalash – mamlakatni barqaror taraqqiy etterish va modernizatsiya qilishning eng muhim sharti” mavzusidagi xalqaro konferensiya materiallari. (2012) Toshkent: O'zbekiston.
14. http://ijtimoiy-fikr.uz/uz/tadqiqotlar/tadqiqotlar_2917